

## **MChJ «KORIFEY-AUDIT» auditorlik tashkiloti**

O'zbekiston Respublikasi, 100135, Toshkent sh., Bunedkor ko'chasi, 52-A uy, tel.:2767557, faks:2769776, e-mail: korifey\_aft@mail

### **Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

**«Хонқа Дон Маҳсулотлари» АЖ** га Манзил: Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти Хонқа тумани Мулла-ёп кўчаси 64-уй, индекс 220800 Телефон: (0-362) 39-91- 136, Ҳисоб рақами: 20208000900237903001 АТБ Агробанк Хонқа филиали МФО 00560, СТИР 200429242, ИФУТ 10.61.0.

MChJ «KORIFEY-AUDIT» auditorlik tashkiloti Манзил: 100135, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳ кўчаси 52А уй, телефон: (0-371) 276-75-57, факс: (0-371) 276-97-76 e-mail:korifey\_aft@mail.ru, СТИР 203667490, ИФУТ 69.20.2 Ҳисоб рақами: 20208000604131303001 Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки Тошкент шаҳар Бош Бошқармаси қошидаги Амалиёт бошқармаси МФО 00451 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2008 йил 6 февралда берилган 00199 сонли лицензияси (барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш), Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2013 йил 10 июнда № 669 сон билан рўйхатга олинган Гувохнома. МЧЖ «GRANT INSURANCE GROUP» суғурта компанияси томонидан 22-май 2017 йилда берилган № GI 002242 - сонли суғурта полиси, АЖ «Кафолат» суғурта компанияси томонидан 02 август 2017 йилда берилган № 0230273 – сонли суғурта полиси.

MChJ «KORIFEY-AUDIT» auditorlik tashkiloti бош директори Киреева Вазира Кадиржановна (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2016 йил 11- июнда берилган 05398-сонли сертификати)

MChJ «KORIFEY-AUDIT» auditorlik tashkiloti аудитори Юсупов Максудбек Матназарович (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил 19- февралда берилган 04514-сонли сертификати) тамонидан, **«Хонқа Дон Маҳсулотлари» АЖ** билан 2017 йилнинг 23 октябрида тузилган № 70/17 сонли шартномага асосан **«Хонқа Дон Маҳсулотлари» АЖ** нинг «Бухгалтерия баланси» Ф№1, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» Ф№2, «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» Ф№ 4, «Хусусий капиталлар тўғрисидаги ҳисобот» Ф№ 5 ларнинг **2017 йил 31 декабр** ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик.

#### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

#### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Хонқа Дон Маҳсулотлари» АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### Ижобий фикр


Бизнинг фикримизча хужалик юритувчи «Хонқа Дон Маҳсулотлари» АЖ нинг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**МChJ «KORIFEY-AUDIT»**  
**auditorlik tashkiloti**  
Бош директори : -

Аудитор:-

2018 йил «09» апрел

Рег.№20



**В.К. Киреева**

**М.М. Юсупов**

